

Ўзбекистон — Беларусь: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Президентлар амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлигини, бунинг учун интеллектуал, технологик ва бошқа ресурслар, шунингдек, энг муҳими, ўзаро интилиш мавжудлигини таъкидладилар.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия зиммасига ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва яқин йилларда уни бир миллиард долларга етказиш вазифаси топширилди.

Ҳудудлараро алоқаларни янада кенгайтириш, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, чорвачилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларда кооперацияни ривожлантиришга келишиб олинди. Қўшма корхоналар ташкил этиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорига экспорт қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда атом электр станцияси қуриш лойиҳасини амалга оширишда ҳамкорлик масаласи кўриб чиқилди.

Томонлар маданий-гуманитар соҳадаги шериклик муносабатларини бундан буюн ҳам мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко «Ўзқоспонарқаз» да очилган «Беларусь» ишлаб чиқарилган кўргазмасига ташриф буюрдилар.

Ташриф доирасида 19 ҳужжат, жумладан, ўзаро савдога қўмаклашиш тизими, саноат мулкни муҳофаза қилиш, божона ишларида ўзаро ёрдам тўғрисида, фан ва технологиялар, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, тиббиёт, олий таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида битим ва шартномалар имзоланди.

Улар орасида 2019–2023 йилларда ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома ва уни амалга ошириш дастури алоҳида аҳамиятга эга.

Ташриф доирасида ўтган ишбилармонлар ва худудлараро ҳамкорлик форумида умумий қиймати 230 миллион доллардан ортиқ бўлган шартнома ва битимлар имзолангани таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда давлат раҳбарлари музокаралар очиб ва ўзаро ишонч руҳида ўтгани, унинг натижалари янада мустаҳкам ва кенг қўламли бўлишини қайд этиди.

Президент Шавкат Мирзиёев Беларусь Президентининг сўнгги 24 йилда мамлакатимизга илк расмий ташрифи том маънода тарихий бўлгани, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қўшма кўламли рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Александр Лукашенко Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ҳудудида ташкил этилган «Амкодор-Агротехмаш» қўшма корхонасининг очилишида иштирок этиди.

Умумий қиймати 33 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа 2018–2021 йилларда амалга оширилади. Бугун расман ишга туширилган биринчи босқичда қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 12 турдаги экскаваторлар ишлаб чиқарилади. Маҳаллийлаштириш даражаси 2019 йилда 22 фоизга, 2021 йилда камида 50 фоизга етказилади.

Давлатимиз раҳбари маҳсулот турини кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарурлигини таъкидлади. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви қишлоқ хўжалиги техникаларини минтақамиз мамлакатларига етказиб бериш учун қўлай эканлини қайд этиди.

Шу ерда қўшма корхонада ишлаб чиқарилган дастлабки экскаваторлар намоиш этилди.

намоиш этмоқда.

Александр Лукашенко Президентимизга Беларусь иқтисодиёти, унинг асосий тармоқлари салоҳияти ҳақида сўзлаб берди.

Шавкат Мирзиёев Беларусь корхоналари вакиллари билан сўхбатлашди. Мутасаддиларга саноат корхоналари ва худудлар ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Давлат раҳбарлари юқори технологиялар соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, жумладан, икки мамлакатнинг инновацион марказлари ва технопаркларини ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда биргаликда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Александр Лукашенко Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ҳудудида ташкил этилган «Амкодор-Агротехмаш» қўшма корхонасининг очилишида иштирок этиди.

Умумий қиймати 33 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа 2018–2021 йилларда амалга оширилади. Бугун расман ишга туширилган биринчи босқичда қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 12 турдаги экскаваторлар ишлаб чиқарилади. Маҳаллийлаштириш даражаси 2019 йилда 22 фоизга, 2021 йилда камида 50 фоизга етказилади.

Давлатимиз раҳбари маҳсулот турини кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарурлигини таъкидлади. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви қишлоқ хўжалиги техникаларини минтақамиз мамлакатларига етказиб бериш учун қўлай эканлини қайд этиди.

Шу ерда қўшма корхонада ишлаб чиқарилган дастлабки экскаваторлар намоиш этилди.

ДАВОЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

2019 йил 1 январдан 1 июлга қадар аллергик касалликларни эрта аниқлаш учун 18 ёшга тўлмаган ва соғлиги хавф остида бўлган болаларни текшириш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилиниб, лойиҳа оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида бепул ўтказилди.

Авваллари аллергик касалликларга қарши дори

воситалари асосан хорijdан кириб келган бўлса, энди даволаш ва ташхис қилиш аллергенлари ўзимизда ишлаб чиқарилади.

Қарорда мазкур соҳада кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими замон талабларига жавоб бермаётгани, бунинг оқибатида тиббиёт муассасаларини врач-аллерголог ва иммунологлар билан тўлдирish қониқарсиз аҳволда қолаётгани, алоҳида қайд этилган. Ушбу муам-

моларни бартараф этиш мақсадида истиқболда Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида аллергология ва клиник иммунология кафедраси ташкил этилади. Бу эса, малакали соҳа мутахассислари кўпайишига хизмат қилиши тайин.

Илмира РОЗИҚОВА,
Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази директори

NUQTAYI NAZAR

Ўқишга кетаётиб, харитани ушлаганча, манзилни тополмаётган сайёҳни учратиб қолдим. У мендан Себзор кўчасига қайси транспорт боришини сўради. Бу кўчанинг қаерда эканини билаганим учун йўловчилардан сўрадим.

“СЕБЗОР” НИНГ МАЪНОСИ...

Нозима ОЛИМОВА

Аксига олиб биров билман, демасди. Ҳартуғу, бир илож қилиб, унга бораётган манзилни тушунтирдик. Сайёҳлар қизиқувчан бўлмайдими, кўчанинг маъносини сўраб қолди. Узоқ ўйландим, бироқ унинг саволини жавобсиз қолдирдим. Жуда уялдим, лекин бу менга яхшигина сабоқ бўлди. Шу-шу кўча номи, уларнинг номланиш тарихига қизиқиб қолдим.

Кўчалар — шаҳар инфраструктурасининг муҳим элементи бўлиб, улар ҳаётимизда катта аҳамиятга эга. Тарихдан икки ёнда иншоот, уйлар бўлган, орасидан ҳаракатланиш мумкин бўлган йўлак кўча деб аталган. Уларга ном танлаганда қатор омиллар ҳисобга олинган. Хусусан, пойтахтимиздаги Жангтоҳ кўчаси жойлашган ерга Авлиё Кўҳота бошчилигида дин йўлида кураш бўлиб ўтган ва даҳа ҳам шунга мос номланган.

Шаҳримизнинг энг йиррик ва қадимий кўчаларидан бири, асосан, ҳунармандлар яшаган Навоий кўчаси 1893-йилларда Тошкўча, Каттакўча,

сўнг Шайхонтоҳур номлари билан аталган. Кейинчалик Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик қуриш доирасида кўчага Навоий номи берилган. Юқоридаги Себзор номига тўхталадиган бўлсак, унинг маъноси тожикча “себ” — “олма”, “зор” — “макон, жой” деган маънони англатар экан.

Афсуски, нафақат тенгдошларимиз, балки айрим ёши катталар ҳам яшаётган кўчаси у ёқда турсин, тумани, қишлоғи тарихидан ҳам беҳабар. Саволга тўтсангиз, оддийгина “Билмайман” билан чекланиб қўя қолди. Тақлифим, ҳар бир кўчага унинг тарихи, номланиши ҳақида қисқа шарҳ берилса, нур устига нур бўларди.

Яна шундай ҳолатлар кузатиладики, кечанинг бошқача номланган жой номлари бугун ўзгармоқда. Мутасаддилар мазкур ҳолатлар ҳусусида аҳолига изоҳ бериб, юқоридаги масалага жиддий эътибор қаратса, нафақат юртимиз меҳмонлари, ўсиб келаётган ёш авлод учун ҳам фойдали бўларди.

YUKSALISH UMRGA TATIGUULIK SABOQ

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ижодига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Мафтуна ВАЛИЕВА

Дастлаб севимли шонрамин ҳайкали пойга гулчамбар қўйган иштирокчилар “Дўрмон” ижод уйига йўл олди. Бу ерда устоз-шоғирда аънаси асосида маҳорат дарслари ташкил этилди. Жараёнда ёшлар таниқли ижодкорлар Ўзбекистон халқ

шоири Энаҳон Сиддиқова, Шарифа Салимова, Ҳаётхон Ортиқбоева, Зулфия Мўминова, Фарида Афруз каби шоиралар билан сўз сеҳри ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳусусида фикр алмашди.

— Бугун умрга татийдиган сабоқ олдик, — дейди Зулфия номидаги Давлат

мукофоти соҳибаси Муниса Аъзамова. — Устозларнинг ижод заҳмати, шеърят дунёси ҳақидаги фикрлари адабиёт майдонида ўз ўрнини топишда кўмак беради. Бундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилса маҳоратини ошириб, билимимиз янада мустаҳкамланади.

“YOSHLAR — KELAJAGIMIZ” DAVLAT DASTURI AMALDA

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ижроси юзасидан қилинаётган ишлар таҳлилига бағишланган учрашув ташкил этилди. Унда “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасининг туман (шаҳар) филиаллари мутахассислари, тижорат банклари ходимлари ва ёшлар иштирок этиди.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ



Дилякушо НАВРЎЗОВА

Тадбирда дастурда белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, айни пайтда берилган имтиёزلардан нумоли фойдаланаётган йигит-қизлар сафни ортиб, уларнинг гоё ва лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Учрашув давомида навоийлик Алишер Маҳмудовга паррандчилиқ

фаолиятини кенгайтириш учун 400 миллион сўм кредит берилган бўлса, нуроталик Абдурахмон Сатторов ҳамда Зарина Қобиловага қандолатчилик цехи ташкил этиш учун 50 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Яқунда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

ORADAN BIR YIL O'TDI...

КИТОБ ЎҚИГАН ВА УҚҚАН ОДАМДАН ЁМОНЛИК ЧИҚМАЙДИ

Ўзбек китобхонлиги, унинг ривожланиш босқичлари, бугунги кунда ноширлик соҳасига берилаётган имконият ва имтиёزلар, китобхон ёшлар сафи кенгайтирилгани, муталаа маданияти ҳусусида “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ахборот агентлиги муҳбирга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Агар инсониятнинг шу кунга қадар эришган энг катта ютуғи, катта кашфиёти нима, деб сўраса, мен ҳеч иккиланмай китоб, деб жавоб берган бўлардим. Китоб билимларни оширувчи, назарий билимлар берувчи манба бўлмаганида эди, ўз-ўзидан бошқа кўплай йўналишларда ривожланиш бўлмади.

Халқимиз азал-азалдан китобни севган, қадрлаган. Китобхонлик маданияти жуда юксак бўлган. Бир мўддат турли ҳолат ва вазиятлар сабаб бу қадимий аънава бироз сустлашгандек, гўё ҳеч ким китоб ўқимаётгандек, ҳамма фақат турмуш ташвишлари билан оворадек кўринди. Аммо мамлакатимизда китоб чоп этиши, уни ўқувчига етказиб бериш борасидаги ишлар тўхтаб қолгани йўқ. Демак, китобхонлар ҳам қайтагина йўқ. Аммо ноширлик соҳаси эътиборланиб кетди. Кўпчилик китобни соҳалардан бири бўлиб қолаётган эди. Бу эса ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан қўлаб-қувватлашни талаб этарди.

Президентимиз 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқат-

тиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни тизимлаштириш ва ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ортимизнинг қай гўшасида қурилиш ишлари бўлаётган бўлса ўша иншоотлар қуриш режасида, албатта, кутубхона ёки китоб дўкони бўлиши белгиланган. Бу бизни қувонтирадиган, фарзандларимиз камоли, уларнинг порлоқ келажиги учун ўйланган пухта режасидир. Шу тариқа қисқа мўддатда юртимиз “Китоб ва китобхонлар мамлакатига”га айланди.

Китоб маънавий бўшлиқни тўлдирди, маданиятни юксалтирди. Маънавияти бутун, маданиятли инсондан эса ёмонлик чиқмайди. У хиёнат қилмайди. Аммо ўзини китобхондек кўрсатиб сохта яшайдиган, ўзини кўз-кўз қилдирганлар асл маънавиятли эмас. Уларнинг китоб ўқишига ҳам шубҳа билан қарайман.

...Бир вақтлар ёйма савдо-сотиқ бўлаётган жойда кўп кузатган воқеа ёдимга тушди. Савдога қўйилган ёйма маҳсулотларнинг охирида китоб сотиладиган жойдан ўтиб кичкина емакхонага кириларди. Кўпчилик китобни айланиб ўтиб (салкам босиб ўтарди) ўша емакхонада овқатланарди. Ёнгинидаги китоблар эътиборини тортмасди ҳам. Бефарвор ўтиб кетганлар орасида давраларда китоб ўқиш керак, китоб сотиб олишни такомил-

лаштириш керак, деб маъруза қилганларни ҳам кўрганман.

Эркин иқтисодий жараёнда тадбиркорлар китоб савдосини ҳам эркинлаштириш юборгани нарх-навоининг сўнги кўтарилишига сабаб бўлди. Қоғоз четдан келтирилади. Китобнинг таннархи ҳам шу боис қimmatроқ. Аммо таҳлил этиб кўрилганда, тадбиркорликдаги биринчи қўл деганда ҳам китобнинг қадрини фақатгина нарх белгилаяди, деб ҳисоблайдиган ишбилармонларнинг кўпайиб кетгани ачинади. Шундай фикрлаш ва хатти-ҳаракат натижасида китобхон китобдан узоқлашмоқда. Агар бу жараён узоқ давом этса, миллат маънавияти, китобхонлик маданиятига жиддий таъсир этиши мумкин. Айна тизимни тартибга солидиган ҳуқуқий нормалар жорий этилиши керак, деб ҳисоблайман.

“Шарқ зиёкори” китоб дўконидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида филиаллари бор. Бундан ташқари, кўча китоб савдолари ҳам мунтазам ташкил этилади. Бундан ташқари, юқоридаги қарор асосида маҳаллаларда кутубхоналар ташкил этилмоқда. Китобхонлик кечалари, сўхбатлар ўтказилади. Бу сайёҳаракат бугун натижа бермаслиги мумкин. Аммо вақти келиб ўзининг ширин, тотли мевасини беради.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан бир қатор ташаббуслар ҳамкорлигида “Ёш китобхон” танлови ўтказила бошланди. Шу жараёндаги бир маъмуот эътиборини тортди.

MAZKUR TANLOVNING UTTAN MAVSUDA 250 MING UGIL-KIZ ISHTIROK ETIB, ULAR ORASIDAN SARALANGAN ESHLAR PREZIDENT SOVGASI — ENGLI AVTOMASHINAGA EGA BULDI. BU YIL USHU TANLOVDA QATNASHISH UCHUN 720 MING ESH MURJOAT ETGANI NUCHOGLIK AHAMIYATLI TANLOVGA AYLANGANINI KURSATMOQDA. QOLAVERSA, BU ESHLAR KITOB UQIMAYPTI, DEGAN QARASH XATO EKANINING HAM ISBOTIDIR. BU HAR YILI NAHRIYETIMIZ TOMONIDAN CHOP ETILAYOTGAN ADABIYETLARNI SOTIB OLISHGA BULGAN TALAAB USIB BORAYTGANIDA HAM NAMOEN BULMOQDA.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида айтилган қарори ноширликка кенг йўл очиб баробарида китобхонлар сафини кенгайтиришга хизмат қиладиган эзгу ишларни ҳам бошлаб берди. Энг сара асарлар кўпроқ босмадан чиқарилиб, китобхонларга етказиб берилаётган эътибор сабаб ноширликка ҳам эркин, мустақил иш бошлаган ва фаолият юритаяётган хусусий нашриётлар сафи кенгайиб кетди. Бу каби босмаҳоналарда китоблар кўп ҳолларда муаллифдан сўралмай чоп этилади. Ёки сотувчи тезроқ бўладиган олаи-қочди асарлар нашр этилмоқда. Уларнинг кўпи китобхонлик талабига жавоб бермайди. Китоб бизнес манбаи бўлмаслиги лозим. Бунга англаб етганимизча айнан шундай асарларни ўқишга китобхон ўрганиб бўлади. Ундан кейин бу жараённи тўхтатиш, тартибга солиш, сара асарлар мутолаасига эришиш жуда қийин кечеди.

Айтиладиган гап битта — китоб ўқиш бу бўш вақтни “ўқидириш”, ё кўнгилхушлик эмас. У жамиятнинг умумий савиясини кўтаридиган, тараққийта, ривожланишга хизмат қиладиган энг муҳим оми. Илмдан, маърифатдан, китобдан фойдаланган миллатгина ўзлигини англайди, юксалади.

TASHABBUS

ТОШКЕНТДА ЭСПЕРАНТО ТИЛИ КУРСИ ОЧИЛАДИ

Нигорахон ИБОДОВА

Ўшлар Иттифоқи Марказий Кенгашида эсперанто тилини ўрганиш бўйича маҳорат дарси ўтказилди.

Ўнда Ўзбекистон эсперанто уюшмаси раҳбари Гофур Мирзабоев ёшларга мазкур тилнинг пайдо бўлиш тарихи, аҳамияти ҳусусида керакли маълумотларни берди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда жаҳон халқларининг дунёга машҳур мумтоз адабий асарлари эсперанто тилига таржима қилинмоқда. Улар орасида ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намоёндаларининг асарлари ҳам борлиги қувонарлидир.

— Эсперанто тили халқаро сўнгий тиллар орасида энг кўп тарқалганидир, — дейди уюшма раҳбари Гофур Мирзабоев. — Дунёнинг кўплай мамлакатларида ушбу тил ўргатиладиган таълим муассасалари ташкил этилган. Истиқболда пойтахтимизда ҳам эсперанто тили курси очилади.

ЎЗА МУХБИРИ
Барно МЕАЙҚУЛОВА
ёзиб олди.

DILDAGI GAPLAR

БИР СОНИЯЛИК УЙ

ёхуд ўзбекнинг боласиман

Диалог АБДУҲАМИДОВА

Бугун ободлаштириш ишлари бўйича мажлис бор экан. Қабулхонадаги ходимнинг оғоҳдиргани ёдимга тушди.
Кеч соат 19:00. Ҳамма мажлисда жам бўлган. Бошлиқдан кейин кириш ходимга ярашмайди. Шоша-пиша қўлимга китоб (узоқ чўзиладиган мажлисларда китоб ўқиб ўтирадиган олатим бор) ва ён дафтаримни олим-у мажисга шошди. Одатда йилгиликлар мен учун байрамдек ўтди. Сабаби бирор марта гап эшитмаганман. Бугун эса, акси бўлиши ҳаёлимга ҳам келмаганми...



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

Икки кун олдин ҳаммаси бўлиб, ходимларнинг яшайдиган уйлари фотоларга муҳраб, уларнинг камчиликларини тўзатиш ҳақида бошқарувдан топшириқ олган экан.
Пасткамгина, лойсувоқли уй — бизники. Отам: “Қизларимни ўқитаман”, — деб таъмирлашга улгурмаган сомонсувоқ деворлар, рўзгорга энгли бўлсин, деб ўз қўллари билан ясаган, ёмғирдан занг-

лаб қолган дарвоза, у ишдан бу ишга ортмай, экинлари унчалик ўшмайгина қолган ҳовли. Хуллас, бари-бари лавҳаларга муҳрабган. Ўзининг ийини кўз-кўз қилишни “хоҳламайдиган” ҳамкасбларим вазифини вақтида адо этиб, дарров тақдимот тайёрлашга ҳам улгурмади. Одатда кимнингдир кўнглига озор беришдан “аниаши” қиладиган касбдошларимнинг бу гагли ишлари ҳам ўзгача.

Ва ниҳоят, биз кутган мажлис бошланди. Ўз нутқини бошлашдан олдин раҳбаримиз кичик бир тақдимот борлигини айтиб ўтди.
Кетма-кетликда намойиш этилган бир-биридан чиройли, бежирим 3-4 та ҳовлидан кейин бизнинг пасткамгина ҳовлимизнинг сурати турбди. Бошлиқимизнинг: “Бу ҳовли сизникими?”, — деган сўровидан охира жойимдан турдим.
Шаҳарга энди келган вақт-

— Бу уй сизникими?
“Ҳа” дегандек бошимни секин қимирлатиб қўйдим.
— Уйингизга неча кишини юборай? Йигитлар боради. Бир ёрдам берсин. Нима керак бўлса айтаверинг?
Бошимни секин кўтариб залга қарадим. Юқорироқда топшириқни “қойиллатиб” қўйган ҳамкасбим гердайибгина ўтирибди.
— Ҳеч қандай ёрдам керак эмас, — дедим ўзимни зўрга йиғидан тийиб.
— Йўқ, айтаверинг, тортинманг.
“Ёрдам берадиган одам ҳаммамнинг олдига бундай “реклама” қилмайди”, — дедим ўзимга-ўзим.
Бошлиқимнинг “ўтиринг”, деган гапидан кейин жимгина ўтирдим-у, ўзимни йиғидан тўхтата олмадим.
Пичир-пичирлару шивир-шивирларга тўлган мажлисдан чиқиб кетишимни йўлини изладим. Қандайдир кўркув ва номсиз бир куч билан ўрнимдан турдим-у, ташқарига югурдим.
Туппа-тўғри омборхона томонга юрдим. Ўзимни камситилган одамдай ҳис этиб ўткан кунларимни таҳлил қила бошладим...

Худога шўкр, ота-онам қийинчилик билан бўлса-да, мени тўрт йил шартнома асосида ўқитди. Айни пайтда сингилларим ҳам талаба. Аксига олиб, улар ҳам шартнома асосида ўқийди. Бирданига кўз олдимда болалигим гавдаланди...

Отам — оқий уста. Устанинг иши маълум. Рўзгор ташвишида лой ҳам қилади, дераза-эшик ҳам ясайди, керак бўлса уй ҳам қуради. У ана шу оғир меҳнатнинг азобидан нолимай, фарзандларини ўқитатган ўзбек отаси.

Онам эса, кўпгина қишлоқ аёлларидек уй бекаси. У нафақат уй, балки дала бекаси ҳам. Чунки мол-ҳол дейсизми, экин-тикин дейсизми — ҳаммасига улгурди.
Шаҳарга энди келган вақт-

ларимиз. Рўзгорни бир амалаб тебратиб турган отамнинг ишлари анча орқага кетган. Ёйиш учун уйда нон ҳам йўқ. Лекин ойимнинг аллақандай ялпизлар солиб, қатламами, хуллас, шунга ўхшаш тайёрлаб берган номсиз таоми биз учун дунёдаги энг ширин таом эди.
Бир кун уйимизда ҳеч вақо йўқлигидан хархаша қилган сингилмини кўриб, отам шу кеча қўшникидан нон олиб чиқишимни, эртага бир иложини қилиб қайтаришини айтди. Севинчи бир олам бўлган сингил, бир девор наридаги қўшнинг ҳовлисига шундоққина бизни боғлаб турган дарчадан югурганича чопиб кетди. Қўёшдек қулиб турган нонни кўтариб, хурсанд бўлиб югуриб келадиган сингилнинг бўйида бироз баландроқ бўлган қўшнингнинг ити унга эргашиб сакраб келар эди. Нонини қизганган сингил, ариқдан сакраб ўтаман деб топган “бойли”ни лойга қориштириб қўйди. Бундан алами ортиб, тупроққа ўтириб олиб йиғлаётган сингилнинг кўзёшлари, қувончимиз узокқа чўзилмаган биз, болақайларнинг дил оғриғи ҳали-ҳанузгача юрагимга санчик бериб туради.

Эслаймани, ўтмиша туш каби қолиб кетган у кунларимни бугуним билан солиштираман. Шўкр. Ўқидим. Олий маълумотиман. Ишлайман. Мана қўлимдан келганича отамга елкадош бўлиб сингилларимни ўқитяпман. Ўзимга бот-бот тасалли бераман. Муҳими, эзгу йўлдаман. Кимнингдир қўлига қараб қолган боқиманда эмасман. Шаҳа билан бориб ҳамкасбимга: “Битта уй нима бўлибди, ҳали қўлаб уйлари таъмирлашга қурбим етди. Қанчадан-қанча эзгу ишларни амалга ошириш учун кучим, гайратим етарли. Қиз бола бўлсам-да, ўзбекман, ўзига бек халқнинг фарзандиман”, — дегим келди-ю, ота-онам берган тарбиядан утолмай, аниаши қилман...

Мана соат миллири ҳам 22:00 қаратяпти. Ҳали ҳам ишхонадаман. Шу дамда менга куч бағишлайдиган сеvimли китобларимдан бири Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” асари бош қаҳрамони Сантьяго сўзлари эсимга тушди. “Умидсизлик — инсонлардаги энг катта ҳалокат. Ҳатто энг оғир гуноҳ ҳам!”

Этди оилада тавалуд топган Умиджон дастлаб Ақдолат опа исми ўқитувчидан унда таълим олган. Кейинчалик Хива шаҳридаги 121-қўзи оғиз болалар учун иттиҳослашган давлат мактаб-интернатиди

Умиджоннинг таъминлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт соҳаларида жамоатчилик назоратининг янги шакли ва механизмларини жорий этиш.

13. Жамиятда миллатлараро тунчилик-тотувлик, бағрикенглик тамойилларини, миллий ва умуминсоний қадриятларини янада мустаҳкамлашга қўлағи кўмак қўради.

14. “Обод маҳалла”, “Ешлар — келажакимиз” Давлат дастурларини амалга оширишда маҳаллий давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кенг қўламада амалий кўмак қўради.

15. Ешларнинг бўш вақтинини мазмунли ташкил этиш, уларни дунёвий билимларни эгаллашга рағбатлантириш.

16. “Жаҳолатга қарши — маърифат” широри остида ешлар ўртасида туркум тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.

17. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитини янада яхшилашда маҳаллий давлат органлари ҳамда йирик жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш.

18. Давлат гранти танловидида иштирок этиш учун қўйилган шартларни тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳномадан муҳр билан тасдиқланган нусхаси.

4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

О'RNAK OLI!

ИЛМДАН ЯХШИРОҚ ХАЗИНА БЎЛМАС

Маъмура ХЎЖАҚУЛОВА

Бўлим муҳаррири ҳамкасбим Мунирага ёшлар ўртасида “Сўнги ўқиган китобингиз?” мавзусида ижтимоий сўровнома ўтказиш топшириғини берди. Тушдан кейин, авзои бузилиб, ҳуноби ошиб келган Мунирадан нима бўлганини сўрасам:



— Синфдош дугоналарим ва турли ёшдаги йигит-қизларга саволини берсам, бири: “Ҳозир ким китоб ўқийди, телефон, интернет ҳақида сўранг” — деса, иккинчиси: “Бошим оғриб, уйқум келма-са китоб ўқийман. Сабаби, мутлоаадан зериксам, кўзимга уйқу келади”, — дейди. Тавба, китобдан шунчаки эрмак ёки зерикканда қўл келадиган восита сифатида фойдаланиб бўларканми?

Ҳамкасбимнинг сўзларини тинглаб, негадир “Еш китобхон” кўрик-танловининг республика босякида иккинчи ўринни қўлга кiritган хоразмлик Умиджон Қўлмурадоев ёдимга тушди. Имонияти чекланган бўлса-да, ҳар бир аломалар юртида турганлардан фахрланаман. Уларга муносиб бўлиш учун ҳаракатдан ҳеч қанча тўхтамайман.

Кичик жуссасида шижоат, гайрат жўш урётган бу йигитнинг мустаҳкам иродасига ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Қаҳрамонимизнинг: — “Еш китобхон”да танлаш имконияти бўлганда унинг ўзини сўраган бўлардим.

Чунки, бу ўрин соҳибига мукофот сифатида 200 дон китоб совға қилинади. Шу орқали шахсий кутубхона анча бойиради, — дегани эшитиб, вақтинги ижтимоий тармоқларга, сўнги русумдаги телефонларга сарфлаётган тенгдошларим кўз олдимдан бир-бир ўтаверди...

Дарҳақиқат, китоб яхши дўст, суҳбатадош бўлибгина қолмай, инсонни ҳар қандай қабилдан асрашга қўради.

Рудакийнинг “Илмдан яхшироқ хазина бўлмас, қўлингдан келганча тара олсанг бас”, — деган сўзларини ҳаётини ширрига айлаштирган қаҳрамонимиз билан хайрлашарканми, мана шундай илмга чанқок, бир кучини, вақтинги билим олишга сафарбар этган ёшлар бор экан, юртимиз тараққий этишига яна бир бор амин бўлдик.

Им дурларини қандай ва қаердан олиш ўзимизга боғлиқ. Зеро, ҳар бир амалиямиз билан юртга наф келтирмоғимиз даркор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди
“ЖАМИЯТДА МИЛЛАТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК, ТИНЧЛИК, ЎЗАРО МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ДЎСТЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ”
 мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН “ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ”
 мавзусида давлат гранти қўшимча танловини эълон қилади

Танловга нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қўйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ўзбекистон халқларининг номоддий маданий меросини (халқ бадийи хунармандлиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестиваллар, миллий таомлар ва бошқалар) хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш.

2. Жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва нуфузини ошириш.

3. ЮНЕСКОнинг умумжаҳон маданий мероси объектларига киритилган, мамлакатнинг меъморчилик ва тарихий ёдгорликлари, миллий маданият, санъат ва адабиётнинг эркин тинсоти бўлган намуналар тўғрисидаги маълумотларни чет тилдаги махсус манбалар

орқали интернет тармоғида тарғиб қилиш.

4. Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданиятини оммалаштириш, унинг тарихий-маданий меросига, тақдорланмас гўзаллиги ва хилма-хиллигини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.

5. Ўзбекистонда яшаб келадиган турли миллат ва элатларнинг азалий миллий анианалари, урф-одатлари, удуларини сақлаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

6. Интернет тармоғида миллий анианалар, урф-одатлар ва удуларни асрашга бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилидаги махсус манбаларни яратиш.

7. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, бирдамликни янада мустаҳкамлаш, конфессиялараро тотувликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини оширишга қўмак қилиш.

8. Маданий меросни сақлаш, аҳоли ўртасида маданий меросга бўлган муносабатни янада юксалтириш, уларни келажак ав-

лодга бекаму кўст етказиш ва маданий меросга бўлган муносабатни шакллантириш борасида тарғибот ишларини олиб бориш.

9. Турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги тотувликни таъминлаш тажрибасини оммалаштириш, тарғиб қилишга бағишланган китоблар, тўпламлар, телекўрсатув ва радио-эшиттиришлар тайёрлаш.

10. Юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида “Мен нечун севаман, Ўзбекистонини!” широри остида танловлар ташкил этиш.

11. Миллий маданий марказлар томонидан мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи турли хилдаги тўпламлар, ижодий ишларни чоп этиш ва халқ оmmasига етказишда ҳар томонлама қўмак қилиш.

12. Турли миллат ва элат вакиллари ўртасида хос миллий анианалари, урф-одатлари ва маросимларини сақлаш бўйича мамлакатимизда изчил амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш.

13. Тарихий ёдгорликлар ҳақида кенг тарғибот ишларини амалга ошириш, маданий меросларни асраш бўйича давлат органлари билан ННТлар ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш.

Давлат гранти танловидида иштирок этиш учун қўйилган шартлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳномадан муҳр билан тасдиқланган нусхаси.

4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўм.
 Ҳужжатлар 2018 йил 17 сентябрдан 22 октябргача қабул қилинади.
 Ҳужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди” номига:
 100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй манзилига “Ўзбекистон почтаси” орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.
 Ҳужжатлар намуналари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
 Маълумот учун телефонлар: (0371) 239-26-76, 239-26-86.

